

Риёзус солиҳийн шарҳи / Ҳаё ва унинг фазилати ҳамда у билан хулқланишга одатланмоққа тарғиб қилиш ҳақида / 1119-ҳадис

1119 - وَعَنْ أَبِي عَبْدِ اللَّهِ بِلَالِ بْنِ رَبَاحٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ - مُؤَدِّنِ رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ -
-: أَنَّهُ أَتَى رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ لِيُؤْذَنَ بِصَلَاةِ الْعَدَاةِ، فَشَعَلَتْ عَائِشَةُ بِلَالًا بِأَمْرِ سَأَلَتْهُ
عَنْهُ، حَتَّى أَصْبَحَ جِدًّا، فَقَامَ بِلَالٌ فَأَذَنَهُ بِالصَّلَاةِ، وَتَابَعَ أَذَانَهُ، فَلَمَّ يَخْرُجُ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ
وَسَلَّمَ، فَلَمَّا خَرَجَ صَلَّى بِالنَّاسِ، فَأَخْبَرَهُ أَنَّ عَائِشَةَ شَعَلَتْهُ بِأَمْرِ سَأَلَتْهُ عَنْهُ حَتَّى أَصْبَحَ جِدًّا، وَأَنَّهُ أَبْطَأَ
عَلَيْهِ بِالْخُرُوجِ، فَقَالَ - [يَعْنِي النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ]: «إِنِّي كُنْتُ رَكْعَتُ رَكْعَتِي الْفَجْرِ» فَقَالَ: يَا
رَسُولَ اللَّهِ؛ إِنَّكَ أَصْبَحْتَ جِدًّا!! فَقَالَ: «لَوْ أَصْبَحْتُ أَكْثَرَ مِمَّا أَصْبَحْتُ لَوَعْتُهُمَا، وَأَخْسَنْتُهُمَا،
وَأَجْمَلْتُهُمَا». رَوَاهُ أَبُو دَاوُدَ بِإِسْنَادٍ حَسَنِ [1257].

1119. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг муаззинлари Абу Абдуллоҳ Билол ибн Рабоҳ розияллоху анҳудан ривоят қилинади:

«Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламни бомдод намозига чақирдиш учун у зотнинг ҳузурларига келган эдим, Оиша мендан бир иш ҳақида сўради. Мен шунга машғул бўлиб қолган эдим, кун жуда ёришиб, тонг отиб қолай деди. Шунда мен туриб, у зотни намозга чақирдим. Сўнг яна такрор чақирдим, лекин Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам чиқмадилар. Ниҳоят, у зот чиқиб, одамларга намоз ўқиб берганларидан кейин Оиша бир иш ҳақида сўраб, мени машғул қилиб қўйганини айтдим. Сўнг кун ёришиб кетса ҳам чиқавермаганларининг сабабини сўраган эдим, у зот: «Бомдоднинг икки ракъат (суннат)ини ўқиётган эдим», дедилар. «Эй Аллоҳнинг Расули, кун жуда ёришиб кетди-ку?» деган эдим, у зот: «Бундан кўпроқ ёришиб кетса ҳам, бу икки ракъатни мукамал ва гўзалроқ адо этардим», дедилар».

Абу Довуд ҳасан иснод билан ривоят қилдилар.

Шарҳ: Билол бомдод намозини жуда эрта айтар эди. Бомдод намозига Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам келиб намоз вақти бўлганлигини ҳабар қилар эдилар. Эртароқдан бомдод намозининг суннاتини ўқиб ўнг томонига ёнбошлаган Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Билолнинг овозини эшитиб Масжиди Нававийга чиқиб намозни ўқир эдилар.

Билол шу куни ҳам ҳар доимгидек азон айтишга шайланиб турганда Оиша (р.о.) Билолдан баъзи нарсаларни сўради. Билол Оишанинг сўзини кесиб бомдод намозининг вақти ўтаётганлигини айтолмади. Сўзи битгунча уни тинглади. Кейин Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга намоз вақти бўлганлигини ҳабар қилди. Бу вақтда Расулуллоҳ бомдод намозининг суннатини адо қилаётганлари учун Билолга жавоб бермадилар. Вақт анча бўлиб қолганини билган Билол Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг уйғонмаганлар шекилли деб ўйлаб сўзини яна такрорлади. Шу вақтда намозини адо қилиб бўлган Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам жамоатга чиқиб бомдод намозининг фарзини ўқидилар. Фақат Расулуллоҳнинг содиқ муаззини азонни кечиктириш сабабини очиқлаш мақсадида воқеани Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга изоҳлади. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Билол вақтни айтгани кирганида бомдоднинг суннатини ўқиётганларини Билолга айтдилар. Билол бомдод намозининг вақти чиқишига оз қолганига қарамасдан Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг бомдоднинг суннатини адо қилганларидан ҳайратланди.

Шу вақт Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Агар тонг бундан кўпроқ ёришганида ҳам икки ракат суннатни мукаммал, чиройли сураатда адо қилар эдим» деб айтиш билан бомдод намозининг суннатини мутлақ шаклда адо қилиш кераклигини билдирдилар.

Манба: hadis.islom.uz

